

ЯҚИН ШАРҚДА НЕФТ ОМИЛИ ВА ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИНИНГ НЕФТГА БЎЛГАН ТАЪЛАБИ

Каримов Элёр Рафиқ ўғли

Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети
мустақил тадқиқодчиси

АННОТАЦИЯ

Яқин шарқ яни Эрон Ислом Республикаси ер ресурсларидан нефтга бой минтақа бўлиб, ушбу давлатга чегарадош Форс кўрфази ҳақида гапирадиган бўлсак, кўрфаздан нефт оқимининг давом этиши дунёнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашнинг хал қилувчи муҳим омидидир. Шунингдек форс кўрфази ғарб давлатлари учун аҳамияти равишан бўлган кам сонли минтақалардан биридир. Ушбу ҳудуддаги Араб монархиялари 1950-йилларга келиб нефт ушбу мамлакатларни асрлар давомидаги қолоқликдан олиб чиқиб модернизация йўлига ўтишига қодир бўлган ҳақиқий даромат манбаига айланиб бораётгани маълум бўлгач, нефт соҳасида ўз миллий манфаатларини химоя қилиш бўйича келишилган ҳаракатлар зарурлигини тушуниб етди.

Калит сўзлар: ОПЕК, ССАГПЗ, демарш, роялти

ABSTRACT

The Middle East, namely the Islamic Republic of Iran, is a region rich in oil resources, and if we talk about the Persian Gulf, which borders this country, the continuation of the flow of oil from the Gulf is a crucial factor in ensuring the economic well-being of the world. The Persian Gulf is also one of the few regions whose importance for Western countries is clear. The Arab monarchies in this region, when it became clear in the 1950s that oil was becoming a real source of income that could lead these countries out of centuries of backwardness and onto the path of modernization, felt the need for concerted action to protect their national interests in the oil sector.

Key words: OPEC, CCAPIZ, demarsh.royaltiy

КИРИШ

Мазкур мақола шарқшунослик соҳасида кам ўрганилган мавзулардан бири бўлиб, ушбу мақолада яқин шарқда мавжуд бўлган нефт омили ва унга бўлган ғарб давлатларидан Америка қўшма штатлари ва ғарбий европанинг нефтга бўлган талаб ва эҳтиёжлари, нефтнинг жаҳон иқтисодиёти тарихида тутган ўрни ҳақида гап кетади.

Кўп йиллар давомида араб мамлакатлари хусусан йирик нефт экспортчилари бир гуруҳ бўлмаган ҳолда Ғарб нефти монополияларига талаблар қўйишга тарқоқ ҳаракат қилдилар. Бу деярли ҳеч қандай ижобий натижа бермади. Ғарб нефт монополиялари араб давлатларининг таълабларини этиборсиз қолдиришда давом этдилар ва уларнинг миллий манфаатларига унчалик этибор бермадилар. Шунинг учун мазкур давлатлар ўртасида нефтга доир бир қанча халқаро шартномалар туза бошладилар.

1950-йилларнинг охиридан 1960-йилларнинг бошигача вазият ўзгара бошлади. Шундай қилиб, 1960-йил 13-мартда Ироқ Республикаси, Иордания, Саудия Арабистони, Миср, Яман вакиллари нефт сиёсатида ҳаракатларни бирлаштириш тўғрисида битим имзоладилар.

Бундай сиёсатни мустақил давлат бўлган Саудия қирролиги ва мустақилликка эришишга яқин келган Қувайт муҳимлигини биринчи бўлиб тушунгани бежис эмас. Қувайт Саудия Арабистони ва Абу Дабининг нефт сектори устидан назоратни кенгайтиришдаги биринчи йирик муваффақияти эҳтимол, Ироқ ва Эронни ҳам ўз ичига олган Ғарб компаниялари билан Техрон келишуви бўлди.

Расмий шартнома 1971 феврал роялти¹ларни камида 55% гача ошириб нефтнинг эълон қилинган нархини ошириш ва консесия² шартномаларини қайта кўриб чиқишни назарда тутган. Шу билан бирга ОПЕК³ ишлаб чиқарувчи мамлакатларни консесионер компаниялар билан биргаликда нефт қазиб олишда иштирокини оширишга чақирди.

Араб давлатлар лигаси қошида нефт кўмитаси тузилди. Турли даражада араблараро коференсиялар ва араб шарқи мамлакатлари раҳбариятининг учрашувлари ўтказила бошлади. Фақат 1959-1967-йилларда Лига ташшабуси билан олти араб давлати нефт конгресси бўлиб ўтди, унда араб шарқ нефти, унинг халқаро бозордаги ўрни ва рўли, шунингдек турли мавзуларда икки халқаро бозордаги ўрни ва рўли, шунингдек турли мавзуларда икки юз элликдан ортиқ маъруза ва тадқиқотлар ўтказилди.⁴ Ушбу конгрессларда нефт консесия шартномалари шартларни яхшилаш, барқарорлаштириш ва вақти вақти билан кўтариш, араб нефтини барқарорлаштириш ва вақти вақти билан ошириш араб танкер флотининг бирлашган компанияларини ташкил этиш, нефт экспорт қилувчи араб давлатларининг нефт сиёсатини мувофиқлаштириш ва ҳаракатларини бирлаштириш учун ташкил этиш, Ғарб миллий

¹ Роялти-нефт сотиб олиш бўйича лицензия

² Консесия-нефт қазиб олиш ҳуқуқи

³ ОПЕК-нефт қазиб олиш ва экспорт сиёсатини мувофиқлаштирувчи халқаро товар ташкилоти бўлиб, вазифаси аъзо давлатларнинг нефт соҳасидаги манфаатларини ҳимоя қилиш.

⁴ Тельман Саттаров “Персидский залив: нефть и экономическое развитие” Ташкент 2003 63-64-бетлар

монополияларига қарши курашда ўз ҳаракатларини бирлаштириш, ғарбий нефт монополияларига қарши курашда бир неча ва куплаб қарорлар қабул қилинди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шунинг билан бир қаторда шуни айтиб ўтиш жозки Араб давлатлари ўртасидаги турли даражадаги учрашувлар, конференциялар ва конгресслар Араб шарқи давлатларининг яқинлашувига катта хисса қўшганини алоҳида такидлаш лозим. Ушбу учрашувларда Жазоир, Ироқ Республикаси, Миср, Сурия Қувайт, Саудия Арабистони ва бошқа Араб давлатлари иштирок этдилар. Шу билан бирга бошқа ривожланаётган мамлакатлар Осиё Африка ва Лотин Америкасидаги жаҳон нефт ишлаб чиқарувчилар билан ҳам алоқалар ўрнатилди. Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти жаҳон нефт ишлаб чиқарувчилар бўлган бошқа ривожланаётган мамлакатлар каби Араб шарқи мамлакатлари ҳаётида ҳам рўл ўйнайди. Ушбу ташкилотнинг ташкил этилиши 1960-йил сентябрга тўғри келади. Шу пайтда Ироқ ҳукумати таклифига биноан Венесуелла, Ироқ республикаси, Эрон, Қувайт ва Саудия Арабистони вакиллари Боғдодда учрашдилар Улар глобал нефт саноатидаги вазиятни муҳокама қилишди. Мазкур учрашув жуда ўз вақтида бўлди, Чунки ўша йилнинг август ойида монополиялар ҳам нефт нархларини сезирарли даражада пасайиши 3.5%дан 6.7 % гача эълон қилишди, бу эса табиийки, барча нефт қазиб олувчи мамлакатларга катта зарар етказди. Шуни такидлаш керакки сўнги йилларда (1959-1960) бу яқин шарқ ҳам нефт нархини иккинчи сезирарли даражада пасайишига сабаб бўлди. Умуман олганда Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти ташкил этилишидан олдинги икки йил ичида ғарб монополиялари Яқин ва Ўрта шарқда ҳам нефтнинг маълумотнома нархини 11-14-% га пасайтидилар, бу эса уларнинг дароматларини камайтирди, бу эса иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш режаларини амалга ошириш учун зарур эди.

Тўғри, Ғарбий Европа мамлакатларида ва қўшма штатларда улар Араб шарқининг ҳукмрон доираларини ҳам нефт нархларини иккинчи марта пасайиши уларнинг нефтдан оладиган даромат миқдорига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигига ҳаракат қилишди. Хартшорн эса бу даъволарни қўллаб қувватлаб, яқин ва ўрта шарқ мамлакатларида нефт қазиб олишнинг янги ва тўғридан тўғри ўсиши давом этмоқда деб ёзган. Албатта Хартшорн ҳам бошқа ғарб тадқиқотчилари ва бублистлари ҳам нефт нархларини пасайтириш ва нефт қазиб олишни кўпайтиришга қаратилган ҳаракатлари араб малакатлари учун жиддий муоммо, нефт ресурсларининг камайиши муоммосини яраётганини

жуда яхши тушунишган. Мамлакатда мавжуд бўлган **“Прага ва Алхуррия”** газеталари саҳифаларрида ҳақли равишда таъкидлаганидек, нефт қазиб олишининг кўпайиши бизга шу дароматларни олиб келиши керак. Бироқ, бу бизнинг нефт табиий ресурсларимизнинг камийиши билан боғлиқ дея айтиб ўтади. Ушбу газета айниқса яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларида ҳам нефт нархларининг пасайиши ва нефт қазиб олишнинг кўпайиши Ғарб нефт монополияларининг ўз дароматларини ошириш истаги билан боғлиқлигини такидлади.

Яқин шарқдаги нефт қазиб олувчи мамлакатларнинг ҳам нефт учун матлумотнома нархларининг пасайишидан кўрган зарарлари жуда катта бўлди ва буни қуйидаги рақамлар билан кўрсатиш мумкин. 1960-йилда Ироқ республикасининг улуши 5.4 доллоргача пасайган. 1960-йилнинг атиги беш ойида Ироқ республикаси тахминан 12 млн доллор йўқотади. Бошқа мамлакатлар ҳам шунга ўхшаш. Масалан 1953-йил ўрталаридан 1957-йил ўрталарига қадар Қувайтдан экспорт қилган нефт нархи ва баррел учун 1.72 доллорни ташкил этган эди. 1960-йилда Ғарб нефт монополияларининг бир томонлама ҳаракатларидан кейин Қувайт ва Саудия нефти маълумотнома нархи 1.59 ва 1.80 доллор этиб белгиланди. Шунга қарамай Заҳабнинг сўзларига кўра Қувайт ва яқин ўрта шарқ бешта яқин экспортчиси (Ироқ, Эрон, Қатар, Саудия Арабистони) нинг 1960-йилдан 1963-йилгача бўлган даврдаги умумий зарарлари тахминан 350 миллион доллорни ташкил этган. Кейинги йилларда эса, 1959-1960-йилларда нефт нархларинининг пасайишидан Яқин Шарқ мамлакатларининг йўқотишлари барқарор равишда давом этди.

Қоида тариқасида бундай ҳаракатлар (масалан, ҳам нефт нархларини пасайтириш) Ғарб нефт нархлар томонидан бир томонлама, яқин ва Шарқ мамлакатларининг йўқотишлари барқарор равишда ўсишда давом этди. Шунингдек Халқаро нефт қартелининг хўжайинлари ҳам яқин шарқ малакатлари, ҳам умуман ривожланаётган нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ўртасида бирдамлик йўқолганларидан фойдаланганлар.

Иқтисодий нуқтаи назардан олиб қараганда бу форс кўрфази мамлакатларини нефт дароматлари ошиб борди, чунки улар бу мамлакатларда ишлаб чиқарилган нефтнинг 25% зини Ғарб монополияларига сотиш ва ундан 100% фойда олиш имкониятига эга бўлишди.

Шунинг билан бир қаторда форс кўрфази ва араб давлатларининг нефт борасидаги келишувлари ҳақида гап кетганда 1972-йил кузида Саудия арабистонининг нефт ва минарал ресурслар вазири А.З.Ямани Форс кўрфази минтақасини вакили ва Ғарб нефт компанияларидан

Т.Д.Перси(Эххон),А.С.Дикрейн(Техас) ва С.С.Покок(Роял Датч Шелл Групп) иштирокида музокараларининг янги босқичи бошланди. У 1972-йил 5-октябр янги “Умумий келишув” ёки бошқача маънода “Нью-Йорк шартномаси”(баъзи тадқиқотчилар “Форс-Яман шартномаси”деб ҳам атаган) тузувчи протоколлар имзоланиши билан якунланди.

Шартномада форс кўрфази мамлакатлари Ғарб нефт компанияларидан нимани олишни хошлашлари белгиланган эди. 3-моддага кўра,улар 1973-йил январдан бошлаб маҳаллий ишлаб чиқаришда 25%улушни сотиб олдилар,бу улуш 1977-йили охиригача ўзгаришсиз қолди. Кейинги беш йил ичида (1978-йил 1-январдан бошлаб)келишувига 2-иловага мувофиқ,уларнинг улушлари қуйидагича ўзгариши керак эди.

Ўзгариш жараёни	Ўзгариш санаси	Йиллик ўсиш	Экспорт қилувчи Мамлакатлар улуши
Биринчи ўзгариш	1–январ1978 й	5%	30%
Иккинчи ўзгариш	1–январ1979 й	5%	35%
Учинчи ўзгариш	1–январ1980 й	5%	40%
Тўртинчи ўзгариш	1–январ1981 й	5%	45%
Бешинчи ўзгариш	1–январ1982 й	6%	51%

Шу билан бирга,янги келишув шартлари таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, биринчидан, сиёсий, иқтисодий ва ахлоқий нуқтаи назардан, “умумий келишув” пайдо бўлишидан олдин ҳам эскирган эди. Сўнги йилларда бир қатор араб мамлакатлари(Жазоир,Ироқ Республикаси ва Ливия) анча кўпроқ ютуқларга эришган эди. Бу мамлакатларда нефт саноатининг миллийлаштирилиши фонида Форс кўрфази мамлакатларининг ғалабаси жуда ахамиятсиз кўринар эди. Иккинчидан “Умумий келишув” шартларига кўра, форс кўрфази зўнасидаги араб мамлакатлари ўзларининг 25фоизлик ишлаб чиқариш улушидан нефтнинг катта қисмини Ғарб монополияларига ўтказишга мажбур бўлишди:ўз навбатида Ғарб нефт монополиялари “Нью-Йорк шартномаси”нинг ўн йили давомида миллий компаниялардан нефт сотиб олишга рози бўлишди.

Келишув томонлари Абу-Даби, Қатар, Қувайт,Саудия арабистони ва ўнта монополиялари (уларнинг еттитаси халқаро нефт картелининг аъзолари), шунингдек Франциянинг “Компании француз де петрол”американинг мустақил компанияларидан “атлантик ричфилд” ва “партекс” эди.

Шу билан бирга бундай келишув битимда иштирок этаётган араб мамлакатларининг халқаро нефт бозорига мустақил даражада киришини сезирарли даражада чеклади. Учунчидан Саудия Арабистони ва Форс кўрфазининг бошқа араб мамлакатлари, “умумий келишув”нинг IV моддасига мувофиқ консессиячи компанияларга компенсация тўлаши мажбуриятини олдилар,бу араб мутахасислар фикрига кўра асоссиз эди. Хусусан мисрлик экспорт А.Ушуша Форс кўрфази зонасидаги араб мамлакатлари консессиячи компанияларга нефт ресурсларини ўзлаштиришга 25% улуш учун тўлашга юқорида тилга олинган мамлакатларнинг нефт саноатига Ғарб нефт монополияларининг соф капитал қўйилмаларидан ошиб кетганини ёзган.

Дарҳақиқат,Консесиячиларга компенсация Ироқ республикаси(агар у келишувда иштирок этганда)884миллион доллар,Қувайт 150 млн доллар Саудия Арабистони 500 млн доллар, Абу Даби 152 млн доллар ва Қатар 151млн доллорга тушган бўлар эди. Шу билан бирга Британия “**Financial Times**” газетасига кўра, Ғарб нефт монополияларининг Форс кўрфази мамлакатларидаги инвестициялари 1972 йилда 973 миллион доллорни ташкил этди. Натижада, келувда иштирок этган давлатлар 25% улуш эвазига аслида керак бўлганида камида торт баробар маблағ сарфлаши керак эди.Тўртинчидан “Умумий келишув”мохиятан яна бир бор Қувайт,Саудия Арабистони, Қатар ва Форс кўрфази зонасининг бошқа амирликлар нефт саноатида Ғарб монополияларининг қонунийлаштирилди,хеч бўлмаганда 1982-йилгача.

Шунинг учун Ғарбда янги келишув умуман мамнуният билан кутиб олингани ажабланарли эмас. Шу билан бирга Ғарб давлатлари форс кўрфази мамлакатларига сезирарли имкониятлар бериб, улар учун жуда қийин даврда - 1990-йилларнинг бошларида ривожланаётган нефт экспорт қилувчи мамлакатларнинг кучли хужуми даврида асосий нарсани ўз мавқеи ва таъсирини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. ⁵ Шунингдек форс кўрфази мамлакатларини нефт саноатини назорат қилиш калитлари уларнинг қўлида бўлиб қолди. Бош келишувнинг тузилиши дунёнинг саноатлашган мамлакатларининг Араб шарқидаги стратегиясида яна бир қадам сифатида баҳоланди.Ушбу ҳолатда Ғарб молиявий иқтисодий доиралари ютуғи шундаки, янги келишув уларнинг форс кўрфази минтақаси мамлакатлари,биринчи навбатда Ақшнинг Саудия Арабистони билан муносабатларини мустахкамлашга хисса қўшди.

1972- йил ва Форс зонаси мамлакатларида (Ироқ республикаси бундан мустасно) “Умумий келишув” нинг тузилиши янги келишув Саудия

⁵ Зайдуллаева.Л.С.Камилова М.Х. “Экономика Арабский стран” 2-қисм Ташкент 2006 137-138-бетлар

Арабистонининг ҳукмрон доираларида алоҳида мамнуният уйғотди. Умумий келишув тузилгандан сўнг Ар-риёда бўлиб ўтган Форс кўрфази зўнасидаги араб мамлакатлари нефт ва минерал ресурслар вазирининг учрашувида Саудия Арабистони вазири А.З.Ямани Саудия Арабистони янги келишувни “ўз мақсадларига эришиш” деб билишини таъкидлади.

Иштирок этиш тўғрисидаги битим ҳеч қандай тарзда “Араб мамлакатларининг Ғарб нефт монополиялари билан имтиёзли муносабатларининг тугашинининг бошланиши” дегани эмаслиги ҳақида гапирар экан, у айниқса шундай таъкидлади. Араблар учун энг самарали ва фойдали йўл бу-нефт ресурсларидан араб мамлакатлари ва Ғарб, хусусан Қўшма штатлар ўртасидаги алоқаларни мустахкамлаш учун асос сифатида фойдаланиш йўли.

Бундан ташқари, форс кўрфази минтақасининг бошқа мамлакатларга катта таъсир кўрсатган Саудия Арабистони уларнинг ҳукмрон доиралари ҳам “Умумий келишув”ни қўллаб қувватлашларини эълон қилишларида муҳим рўл ўйнайди. ОПЕКнинг бошқа араб мамлакатлари–Жазоир, Ироқ республикаси ва Ливияда “Умумий келишув шартлари” тўлиқ умидсизликка сабаб бўлди. Форс кўрфазидаги ягона араб давлати бўлган Ироқ республикаси янги келишувда бошиданок иштирок этишдан бош тортди, чунки унинг шарти ироқ халқи учун номақбул деб ҳисобланди.

Ироқ республикаси вакиллари Ироқ нефт компанияси миллийлаштирилган даврда Ироқ ҳукумати Ғарб нефт компаниялари билан муносабатларни аниқлаштириш керак. Шу билан бирга Ироқ ҳукумати Ироқ республикасидаги иккинчи йирик нефт компанияси бўлган “Басра петрелиум Компоний” ишлаб чиқаришда дастлабки улуш сифатида 50%дан ортиқ улушни олишни хоҳлади. Ғарб компаниялари ҳам, Саудия Арабистонининг ҳукмрон доиралари ҳам, қанча уринмасин Ироқ республикасини янги келишувга жалб қила олмадилар.⁶

Жазоирда “умумий келишув” шарқи халқлари манфаатларини қондирмаслигини эълон қилинди. Ливияга келадиган бўлсак мамлакат нефт вазири Иззааддан Мабрук “**Нафт Ал-Араб**” журналига берган интервьюсида “умумий келишув” ҳақида гапириб шундай деди: Биз ғарб нефт компаниялари Ливиянинг мамлакат нефт ресурсларини ривожлантиришда иштирок этишлари бўйича музокаралар олиб бормоқдамиз. Аммо бизнинг яқин мақсадимиз, Ливия вазири таъкидлаганидек Ғарб компанияларининг капиталида эллик фоиздан ортиқ улушга эришишдир.

⁶ Зайдуллаева.Л.С.Камилова М.Х. “Экономика Арабский стран” 2-қисм Ташкент 2006 140-141-бетлар

Шунинг билан бирга Жазоир, Ироқ республикаси ва Ливияда илк қадамлар қўйилди. Дунёнинг диққат этибори Ироқ республикасига қаратилган эди. Шунинг учун Ироқ республикаси мамлакат бошига тушган барча қийинчиликларни енгиб ўтди.⁷ 1972-йилда Ироқ республикасида нефт қазиб олиш 1971-йилдаги ишлаб чиқариш даражасига нисбатан 15.5%га камайди Гарчи Нефт монополиялари бундан ҳам кўпроқ нарсага умид қилишган бўлса ҳам.Бироқ Ироқнинг миллийлаштирилган нефтини сотиб олишни истаганлар сони аста секин ўсиб бормоқда эди.

Форс кўрфази мамлакатлари узоқ вақтдан бери қатъият билан излаб келаётган келишувда нимага эришдилар? Аввало агар биз “умумий келишув” ҳақида умумий маълумотга эга бўлсак, бу форс кўрфази мамлакатлари ва ғарб нефт монополиялари ўртасида тузилган мавжуд келишувларга нисбатан олдинги қадам эди.

Нефт нарҳини прогноз қилиш ва уларга асосланган тегишли узоқ муддатли сиёсатни ишлаб чиқиш қийинлиги 1970-1980-йилларда кутилган нархларнинг кўтарилиши ва кулаши Форс кўрфази нефт экспертларини хайратда қолдирган пайтда яққол номоён бўлди. Мутахассисининг фикрлари, қоида тариқасида ўз баҳолашларида жуда фарқ қилади ва баъзида диометрик шаклда қарама қаршидир.

Ян Смит Кембридж университетидан ОПЕК 25 йиллик нархлар ва сиёсат монографияси муаллифи университет тадқиқодчиси 20-асрнинг сўнги ўн йилликлари учун қуйидаги экспорт башоратлани келтиради.Оптимистик ҳисоб китобларга кўра нефт истемоли ва нарх ошиши керак. Ўз хулосаларини асослаш учун улар жаҳонда нефтга бўлган таълаб ҳар йили 2 фоизга ошиб бораётгани, нефт экспортчилари ўн йил ичида ишлаб чиқаришни 20 фоизга ошира олмаётганлигина мисол қилиб келтирадилар. Натижада асрнинг охирига келиб нефт танқислиги пайдо бўлиши керак, бу эса ўзига хос равишда ушбу хомашё нарҳининг ошишига олиб келади.⁸

Бундай ёндашув муҳолифлари саноати ривожланган мамлакатлар энергия тежовчи энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этаётганини ва бу аср охирига келиб нефт истемолини сезирарли даражада камайтиришга олиб келишини таъкидламоқда;замонавий ускуналардан фойдаланиш нефт конларини, шу жумладан ОПЕК бўлмаган ва шунинг учун унинг ишлаб чиқариш квоталари бўйича қарорлари билан боғлиқ бўлмаган мамлакатларда

⁷ Тельман Саттаров “Персидский залив:нефть и экономическое развитие ” Ташкент 2003 137-138-бетлар

⁸ И.А. Аликсандров “Монархии персидского залива” москва 2000 333-334-бетлар

қидиришни осонлаштиради. Баъзи импорт қилувчи мамлакатлар масалан АҚШ катта нефт захираларига эга ва уларни ўзлатириши мумкин ва хоқозо.

Олтилик давлатларининг халқаро муносабатлардаги нефт ва газ масалаларига ёндашуви босқичма босқич ёндашуви ишлаб чиқилмоқда. Дастлаб максимал мақсад миллий даражада шакллантиради.

Кейинчалик бу позитсия умумий манфаатлар ва Саудиянинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ССАГПЗ⁹ доирасида тузатилади. Унинг якуний шакли ОРЕК доирасида келишилган. Бироқ бу давлат Хамкорлик кенгаши ва ОРЕКдаги хамкорликни мамнун қилиш учун ўзининг дастлабки позитсиясидан воз кечиши шарт дегани эмас.

Масалан Уммон, Баҳрайн каби ОРЕК аъзоси эмас лекин шунга қарамай нефт экспорт қилувчи мамлакатларнинг ушбу халқаро ташкилотда асосий рўл ўйнайдиган ССАГПЗ шериклари билан нефт сиёсатини мувофиқлаштиришга интилади. Шунингдек Маскатда нефт қазиб олиш кенгайиб борар экан Форс кўрфази хамкорликларидан ўрнат олиб ОРЕКга аъзо бўлишга қизиқиш ортиб бормоқда.

ССАГПЗ ва ОРЕК қарорлари мажбурий эмаслиги сабабли уларнинг аъзолари шу жумладан Форс кўрфази араб монархиялари ушбу ташкилотлар томонидан белгиланган умумий йўналишларга риоя қилишларига қарамай кўпинча тавсияларни амалда ўз манфаатларига мослаштиришдан четга чиқадилар. Нефт монополияларига хужум Вашингтон ва Лондонда оғриқли реакцияга сабаб бўлди, бу эса Қувайт ва Саудия Арабистони раҳбарлигига қарши демарш¹⁰га сабаб бўлди. Шу билан бирга бу сиёсатдан норози Қатар ва Абу Даби ҳукмдорларига ҳам етказилди. Америкалик муқобил нефт марказларини яратиш ва форс кўрфази ишлаб чиқарилган нефт сотишдан бош тортиш нияталарини намойиш қилиб, кескин муносабатда бўлишди.

1973 йилдаги навбатдаги Араб Исроил уруши нефт масалаларини биринчи ўринга олиб чиқди ва араб нефт экспертларининг ёндашувларини сезирарли даражада ўзгартирди. Бу сафар иқтисодий ва сиёсий жихатдан кучлироқ бўлган форс кўрфази монархиялари Исроилнинг Ғарбдаги иттифоқчиларига биринчи навбатда АҚШга қарши янада мустаҳкамроқ ҳаракат қилди. Қувайт ўзининг ички сиёсий вазиятидаги кескинлик кучайиб бораётганини сезиб, бошиданоқ энг фаол бўлиб, ОРЕК аъзо давлатларни фавқулоотда йиғилиш ўтказишга чақириб, Қўшма Штатларга Исроил қўшинларини босиб олган ҳудудлардан

⁹ ССАГПЗ- яқин шарқдаги араб давлатларининг форс кўрфази араб давлатлар кенгаши номли халқаро ташкилот унинг вазифаси-иқтисодий ва сиёсий хамкорликни ривожлантириш

¹⁰ Демарш-бир давлатнинг бошқа давлатга норозилик бўйича расмий мурожати ёки дипломатияда расмий эътироз билдириш.

олиб чиқиш учун босим ўтказиш мақсадида қўшма нефт сиёсатини ишлаб чиқишга чақирди. Йиғилишда нефт экспорт қилувчи ўнта араб давлатининг барчаси иштирок этиб, нефт қазиб олишни ҳар ой 5 фоизга қисқартиришга келишиб олдилар.

Бундан ташқари жумладан форс кўрфази давлатлари нефт нархини 70%га оширишга рози бўлди. Монархия тузумлари эса Вашингтон билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари билан чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, улар АҚШ нефт таъминотига эмбарго жорий этишни жорий қилдилар. Янги ташкил этилган БАА биринчи қадамни қўйди ва унга дархол бошқа ҳамкорлар ҳам қўшилди.¹¹

Форс кўрфази давлатларидан Қатар мустақилликка эришгач нефт саноатини қайта ташкил этди. 1972-йилда нефт оператсияларини назорат қилиш вазифаси юкланган Қатарда миллий нефт компанияси ташкил этилди. Икки йил ўтгач ҳукумат уни “Қатар Дженорал Петролеум Корпорейшн”га айлантирди ва хорижий компаниялар билан янги шартнома имзолади ва унга 60 % улуш берилди.

1973-йилда навбатдаги Араб Исроил уруши нефт муоммосини биринчи ўринга олиб чиқди ва араб экспортчиларининг ёндашувларини сезирарли даражада ўзгартириб юборди. Бу сафар иқтисодий ва сиёсий жихатдан кучлироқ, бўлган форс кўрфази монархиялари Исроилнинг ғарбдаги иттифоқчиларига, биринчи навбатдаги Ақшга қарши янада мустахкамроқ ҳаракат қилдилар.

Қувайт ўзининг ички сиёсий вазиятдаги кескинлик кучайиб бораётганини сезиб бошиданок энг кучли фаол бўлиб, ОРЕКга аъзо давлатларни фавқулотда йиғилиш ўтказишга чақириб, Қўшма штатларга Исроил қўшинларини босиб олинган ҳудудлардан олиб чиқиш учун босим ўтказиш мақсадида қўшма нефт сиёсатини ишлаб чиқаришга чақирди. Йиғилишда нефти экспорт қилувчи ўнта араб давлатининг барчаси иштирок этиб, нефт қазиб олишни ҳар ой 5 %га камайтиришга қарор қилди.

Шунинг билан бир қаторда шуни айтиб ўтиш жоизки нефт сиёсати ҳақида гап кетганда Британия маънбасига кўра, 1991-йилда Япония нефтга бўлган эҳтиёжини 64%ни ушбу минтақадан етказиб бериш ҳисобига Ғарбий Европа 33 фоизини ва АҚШ 12 фоизини таъминлаган. Жумладан ҳозирги кунда мазкур фоизлар ортиб бормоқда. “Араб олтиталиги” мамлакатлари иқтисодиёти ҳақида гапирадиган бўлсак ушбу давлатлар углеводородларнинг белгиловчи роли ва уларнинг гуллаб яшнашини бевосита нефт ва газ экспортига боғлиқлиги нефт

¹¹ И.А. Аликсандров “Монархии песидского залива” москва 2000, 338-339-бет

омилини ушбу давлатлар ташқи сиёсатини устувор йўналишига айлантиради. Форс кўрфази араб монархияларининг саъй ҳаракатига, биринчи навбатда жаҳон бозорида экспорт ўрнини кенгайтириш нефт ва газ хомашёси ва уларнинг ҳосилалари нархларини оптималлаштиришга, юқори ишлаб чиқариш қувватига рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқаришга қаратилган.

Кўриниб турибдики юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш жаҳон бозорида зарурат туғилганда бирлаштирилган ҳаракатларни, нефт импортларига нисбатан мувофиқлаштирилган ташқи сиёсатни амалга ошириш зарурлини тоққозо этади. Шу билан бирга бундай сиёсат муқаррар равишда нефт қивоталари, сотиш бозорлари ва иинвесторлар учун рақобатни келтириб чиқаради. Натижада ушбу давлатларнинг сиёсати анча мураккаб конфигурациясига эга бўлиб, узоқ муддатли ҳаракатларда ривожланаётган бозор конюстратурасини таҳлил қилиш асосида ривожланади. Шу билан бирга нефт бозорининг тижорат прогнози жуда заиф, чунки у нафақат обектив ва субектив иқтисодий омилларга, балки нефт қазиб олувчи ва нефт истеъмол қилувчи минтақалардаги сиёсий ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Бюжед дароматларига кўпинча ҳеч бўлмаганда Форс кўрфази минтақасида Жанубий Африкада иқтисодий танназул, Нигерияда нефт ишчиларнинг иш ташлаши Болқондаги вазиятнинг кескинлашуви ва Европа иссиқ қиш каби энг кутилмаган ҳодисалар таъсир қилади.¹² Бироқ шубҳасиз ҳозирги кунда нефт хомашёси дунёда транспорт воситаси учун муҳим бўлган ёнилғи маҳсулоти бўлиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш муҳимки шубҳасиз нефт омили форс кўрфази давлатларининг муҳим даромад маънабаи бўлиб, у айниқса Ғарбий Европа ва Америка, бундан ташқари Япония учун зарур бўлган ер ресурслари билан бири ҳисобланади. Шу билан бирга яқин шарқда нефт хомашёси уни қазиб олиш ва ишлаб чиқаришга доир чоралар нефт борасида ҳамкорлик алоқалар тарихи, нефт борасида тузилган халқаро шартномалар келишувларнинг тарихи устида тадқиқот иши олиб борилди. Шунинини айтиб ўтиш жоизки араб монархлари форс кўрфази араб давлатларидан Саудия Арабистонини гуллаб яшнаши учун нефт ресурси муҳим хомашё эканлини тушиниб етиб, бир қатор нефт қазиб олиш ва ишлаб чиқаришга доир бир қанча ислохотлар амалга ошира бошлади. Жумладан Монархлар Вашингтон билан алоқаларни чамбарчас боғлаб, нефт нархини ошира бошлади.

Шу билан биргаликда дунёнинг нефт ишлаб чиқариш бўйича муҳим ташкилоти ОПЕК халқаро ташкилотинини Форс кўрфази давлатларидаги

¹² И.А. Аликсандров “Монархии персидского залива” москва 2000 334-бет

нефтни қазиб олиш ва ишлаб чиқаришга жалб қилди. Бу эса ўз навбатида Араб мамлакатлари узок асрлар давомида ҳукум сураётган қолоқликдан чиқаришга ва яқин шарқдаги араб давлатларини иқтисодиётини ривожланишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1) И.А. Аликсандров “Монархии персидского залива” москва 2000
- 2) Тельман Саттаров “Персидский залив: нефть и экономическое развитие ” Ташкент 2003
- 3) Зайдуллаева.Л.С.Камилова М.Х. “Экономика Арабский стран” 2-қисм Ташкент 2006
- 4) Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1-том Тошкент .2000-2005